# БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Жиззах политехника институти*
*Умумтехника фанлари кафедраси доцент в.б*
**Нарбеков Нодир Нарматович**
*Жиззах политехника институти*
*Умумтехника фанлари кафедраси ассистенти*
**Парманов Неьматилла Нурмухаммадович**

Касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компептенцияларини самарали шакллантириш бир қатор педагогик шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Ана шундай педагогик шарт-шароитлар нималардан иборат эканлигини ва уларни қандай ташкил этиш керак деган масалани қараб чиқамиз.

Бунинг учун дастлаб “касбий тайёргарлик” ва “шаклланиш” тушунча-лари моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз. Чунки, бизнинг тадқиқотимиз касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчисида тадқиқотчилик компептенциясини шакллантириш муаммосига бағишланган.

Лингводидактик энциклопедия луғатида касбий тайёргарлик, шахсда касбий йўналганлик, билим, кўникма ва малакалар шаклланишини ҳамда бундай фаолиятга унинг касбий тайёргарлигини таъминловчи ташкилий ва педагогик тадбирлар тизими сифатида таърифланган. В.В.Игнатов эса касбий тайёргарлик деганда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини тайёрланаётган мутахассис касбий тайёргарлигининг алоҳида жиҳатларига мос мазмун, шакл ва методлар билан мақсадли бойитиш учун шароит яратиш жараёни сифатида қараган. Шунингдек тадқиқотчи ушбу тушунчани педагогик амаллар, ҳодиса ва жараёнларни амалга оширишга имкон берувчи аниқ шароитларни ўз ичига олган омил сифатида қараган. Ушбу талқинларни эътиборга олиб, касбий тайёргарлик деганда биз бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компептенциясини шакллантириш жараёнини амалга оширишга имкон берадиган ташкилий ва педагогик имкониятлар бирлашган тизимни тушунамиз.

Энди “шаклланиш” тушунчаси моҳиятини қараб чиқамиз. Баъзи бир педагогик йўналишлардаги тадқиқотларда ушбу тушунчанинг мазмуни борлиқдаги ўзгаришлар, мумкин бўлган ҳолатдан ҳақиқий ҳолатга ўтиш каби фалсафий қарашлар билан тушунтирилиб “фаоллаштириш” (лотинча “actualis” – сўзидан келиб чиққан) сўзи билан тенглаштирилган.

В.И.Слободчиков ва И.Е.Исаевлар шакллантириш деганда расмийлаштириш (шаклни ясаш) ва такомиллаштиришни (мукаммал, олдинги намуналарга мос шакллар) тушунган.

П.И. Пидкасистий эса шаклланишни ташқи кучлар таъсирида тузилмаси ва мазмунидаги ўзгаришлар натижаси ҳисобланадиган ривожланиш кўриниши сифатида қарайди. Бир қатор тадқиқотчиларнинг (Н.В. Бордовская, В.А. Сластенин, С.Д. Смирнов ва бошқалар) таъкидлашича шахсда у ёки бу сифатнинг шаклланиши ирсият, муҳит, мақсадли тарбия ва шахснинг шахсий фаоллиги натижасида рўй беради.

Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда биз ўз тадқиқотимизда “тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш” ни тадқиқотчилик компетенциясининг асосий компонентлари мазмунидаги сифатий ўзгаришларнинг мақсадли жараёни сифатида қараймиз.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияси-ни шакллантиришда П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатлар ва тушунчаларни босқичма-босқич шакллантириш назарияси муҳим рол ўйнайди.

П.Я.Гальперин ақлий ҳаракатлар ва тушунчалар шаклланиш жараёнини тавсифлаб, биринчи босқич сифатида мотивацион асосларни шакллантириш-ни қараган. Унинг таъкидлашича, мотивация ақлий ҳаракатлар эгалланган-лигининг муваффақияти даражасини ифодалайди.

П.Я.Гальперин ва бошқаларнинг ишларида кўникмаларни шакллантириш “туғилиш” ва “такомиллашиш” категорияларига мос келадиган икки амалиётни ўз ичига олган жараён сифатида қаралган.

Биринчи категория тушунтириш амалиётига мос келади, шунинг учун ҳам бу ерда “кўникмалар пайдо бўлиши” рўй беради. Иккинчи категория қайта ишлаш амалиётига мос келади, шунинг учун ҳам бу ерда кўникманинг такомиллашиши рўй беради.

Ушбу нуқтаи назарни эътиборга оладиган бўлсак, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш-нинг яхлит жараёнини қуйидаги учта ўзаро бир-бири билан боғланган боқич асосида амалга ошириш мумкин бўлади:

1) бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолияти асослари билан таништириш;

2) тадқиқотчилик фаолиятининг асосини ташкил этувчи асосий тадқиқотчиликка оид билим ва кўникмаларни эгаллаш;

3) тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш жараёнида тадқиқотчилик кўникмаларини қайта ишлаш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияла-рини шакллантиришнинг биринчи босқичи, яъни тадқиқотчилик фаолияти-нинг асослари билан таништириш, ушбу фаолиятнинг мотивацион жиҳатини ўзида акс эттиради.

С.Д. Смирнов кўникмаларни шакллантиришнинг дастлабки босқичи сифатида мотивацион босқични ажратган ва “... агар ҳаракатларни эгаллаш

мотивацияси билиш қизиқишига асосланган бўлса, ҳаммасидан яхши, чунки билиш эҳтиёжи тўйинганлик хусусиятига эга эмас. Бундай билиш мотивацияси муаммоли ўқитиш ёрдамида юзага келади".

Мотивация шаклланишида мотив пайдо бўлишининг асоси бўлиб, ҳисобланган эҳтиёж муҳим рол ўйнайди. Ана шуни эътиборга олиб, П.Я.Гальперин эҳтиёж нафақат ҳаракатлар юзага келишини англатади, балки уларнинг объектларига нисбатан танланган муносабатларни ифодалайди, субъектга нима етишмайдиган ва нима учун у бунга эҳтиёж сезадиган ҳаракатларнинг умумий йўналишини белгилайди. Демак, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш жараёнида, психолого-педагогик тадқиқотлар методологияси соҳасидаги билимларга, тадқиқотчилик кўникмаларига ва бошқаларга уларда қадриятли муносабатларни фаоллаштириш орқали эҳтиёжларини шакллантириш зарур.

В.А.Сластенин ва бошқалар эса қадриятли муносабатларни шахсий ва ижтимоий аҳамиятларнинг ўзаро алоқадорлигини ўзида акс эттирувчи шахснинг ички нуқтаи назари сифатида қараган. Уларнинг фикрича қадриятли муносабатлар, қадриятли установкалар ва қадриятли мўлжаллар қадриятли онгнинг аксланиш бўлиб, фаолиятнинг ҳаракатлантириувчи кучи ва хулқ регулятори бўлиб иштирок этади.

Юқорида қайд этилганларга асосланиб бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришнинг биринчи босқичи, яъни уларни тадқиқотчилик фаолияти асослари билан таништиришни, уларда қадриятли муносабатларни фаоллаштириш орқали интеграллашган натижаларни эгаллашга эҳтиёжни кўзда тутувчи тадқиқотчилик фаолиятининг мотивацион асосларини яратиш жараёни сифатида тавсифлаш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Narmatovich N. N. Methodology Of Training Engineers For Professional Activity On The Basis Of Module-Competent Approach //湖南大学学报 (自然科学版). – 2021. – Т. 48. – №. 12.

2. Narbekov N. N. PREPARING STUDENTS FOR INNOVATIVE ENGINEERING ACTIVITIES AS A PEDAGOGICAL PROBLEM //ПРОРЫВНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАК ДВИГАТЕЛЬ НАУКИ: сборник статей Международной научно-практической конференции (12 февраля 2022 г, г. Калуга).-Уфа: OMEGA. – 2022. – С. 15.

3. Нарбеков Н. Н. Модульно-компетентностный подход в современном высшем образовании //Universum: технические науки. – 2022. – №. 1-1 (94). – С. 10-12.

4. Нарбеков Н. Н. ИННОВАЦИОННАЯ ИНЖЕНЕРНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И ЕЕ СТРУКТУРА //Развитие системы знаний как ключевое условие научного прогресса. – 2022. – С. 174-178.

5. Нарбеков Н. Н. ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАСЧЕТОВ В ТОЧНЫХ НАУКАХ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СЛОВЕСНЫХ МЕТОДОВ //ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ НАУКИ И ОБЩЕСТВА В КОНТЕКСТЕ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫХ. – 2023. – С. 37.

6. Игамбердиев Х. Х., Нарбеков Н. Н. ПУТИ РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ //Universum: технические науки. – 2021. – №. 5-1 (86). – С. 32-34.

7. Игамбердиев Х. Х., Нарбеков Н. Н. ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ ПРИКЛАДНОЙ МЕХАНИКЕ И ИХ ТЕОРЕТИЧЕСКО-ПРАКТИЧЕСКИЕ РЕШЕНИЯ //вопросы технических и физико-математических наук в свете современных исследований. – 2019. – С. 28-33.

8. Игамбердиев Х. Х., Нарбеков Н. Н. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА ПРЕПОДАВАТЕЛЯ //ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ. – 2021. – С. 31-33.

9. Ахмедов Б. И. и др. ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯДА АКСОНОМЕТРИК ПРОЕКЦИЯЛАР ТАРИХИ //INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 16. – С. 112-116.

10. Нарбеков Н. Н. и др. ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ РЎЛИ //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2024. – Т. 3. – №. 30. – С. 139-142.

11. Ахмедов Б. И. и др. КЛАССИК ГЕОМЕТРИЯНИНГ УЧ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА КИЗИКАРЛИ ФАКТЛАР //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2024. – Т. 2. – №. 17. – С. 119-123.

12. Нарбеков Н. Н. и др. КОНСТРУКЦИЯЛАРДАГИ МАРКАЗИЙ СИҚИЛИШДА БЎЛГАН ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҲИСОБИ //INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS. – 2024. – Т. 2. – №. 23. – С. 69-72.

13. Игамбердиев Х. Х., Норбеков Н. Н. ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ УСИЛИЕ ОТРЫВА ЛИСТЬЕВ И КОРОБОЧЕК ЗЕЛЕНЦОВОГО КЕНАФА //ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ НАУКИ И ОБЩЕСТВА-ПУТЬ К МОДЕРНИЗАЦИИ И ИННОВАЦИОННОМУ РАЗВИТИЮ. – 2020. – С. 84-88.

14. Нарбеков Н. Н., Парманов Н. Н. ТАЛАБАЛАРНИ МОДУЛЛИ-КОПЕТЕНЛИ ЁНДАШУВ ОРҚАЛИ ЎҚИТИШ МУАММОЛИ СИФАТЛАРИ //Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. – 2024. – Т. 12. – №. 2. – С. 83-85.

15. Нарбеков Н. Н., Парманов Н. Н. ТАЛАБАЛАРНИ МОДУЛЛИ-КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ //Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. – 2024. – Т. 12. – №. 2. – С. 86-89.

16. ГАППАРОВ Б. Н., НАРБЕКОВ Н. Н. ПЕДАГОГИКА КАК ОСНОВНОЙ ИСТОЧНИК НОВЫХ ИДЕЙ И РУКОВОДЯЩИХ ПРИНЦИПОВ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ //Общество. – 2020. – №. 1. – С. 71-73.

17. Игамбердиев Х. Х., Нарбеков Н. Н. ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЕ ПРИКЛАДНОЙ МЕХАНИКИ И ИХ ТЕОРЕТИЧЕСКО-ПРАКТИЧЕСКИЕ РЕШЕНИИ //ББК 22+ 30 В74 Председатель редакционной коллегии. – С. 28.

18. Бултаков Т. и др. МАЛОГАБАРИТНЫЕ УЧЕБНО-ЛАБОРАТОРНЫЕ УСТАНОВКИ-ВАЖНЫЙ ФАКТОР АКТИВИЗАЦИИ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ //Передовые научно-технические и социально-гуманитарные проекты в современной науке. – 2018. – С. 80-82.

19. Narbekov N. N., Parmanov N. N., Qabilov B. U. MODULLI-KOMPETENTLI YONDOSHUV ASOSIDA BO ‘LAJAK MUHANDISLARNI INNOVATSION FAOLIYATGA BOSQICHMA-BOSQICH TAYYORLASH //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – Т. 2. – №. 21. – С. 178-180.

20. Narbekov N. N., Parmanov N. N., Qabilov B. U. TEXNIKA OTM LARI TALABALARINI INNOVATSION MUHANDISLIK FAOLIYATGA TAYYORLASHDA METODOLOGIK YONDASHUVLAR //SUSTAINABILITY OF EDUCATION, SOCIO-ECONOMIC SCIENCE THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 14. – С. 132-134.

21. Xudayberdiev A. A. et al. YERGA ISHLOV BERISH USULI //Экономика и социум. – 2023. – №. 6-1 (109). – С. 532-535.

22. Narbekov N. N., Parmanov N. N., Qabilov B. U. “MEXANIKA” FANI O ‘QUV-USLUBIY MAJMUASINI LOYIHALASHTIRISHDA MODULLI-25. KOMPETENT YONDASHUV //THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH. – 2024. – Т. 2. – №. 21. – С. 11-15.

23. Mirzakabilov N. X. et al. AHOLINI QAMBAG’ALLIKDAN CHIQARISH VA ULARNING QATLAMINI QISQARTIRISH MUAMMOLARI //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – Т. 4. – №. 37. – С. 13-18.

24. Quychiyev O. R. et al. EKISHDAN OLDIN TUPROQQA ISHLOV BERISH KULTIVATORLARI //SUSTAINABILITY OF EDUCATION, SOCIO-ECONOMIC SCIENCE THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 14. – С. 171-174.

25. Narbekov N. N., Parmanov N. N. “MATERIALLAR QARSHILIGI” FANINI O ‘RGANISHDA ZAMONAVIY DASTURLARDAN FOYDALANISH VA ULARNI QO ‘LLASH //Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. – 2024. – Т. 12. – №. 2. – С. 80-82.

26. Raximovich K. O. et al. TO ‘RTBURCHAK SHAKLLARINI HOSIL QILISH USULLARI VA ULARNI AMALIYOTDA QO’LLASH //INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION. – 2024. – Т. 3. – №. 25. – С. 13-18.

27. Raximovich K. O. et al. XXI ASR AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI //PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. – 2024. – Т. 3. – №. 29. – С. 119-124.

28. Narbekov N. N. et al. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM.–2024 //Т. – Т. 2. – №. 21. – С. 178-180.

29. Ikromovich A. B. et al. KO ‘P ORALIQLI STATIK ANIQ BALKALARNI DOIMIY KUCHLAR TA’SIRIGA HISOBLASH //INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 20. – С. 15-20.

30. Narmatovich N. N., Nurmuxammadovich P. N. UZUNLIKKA VA YUZAGA EGA BO ‘LGAN QATTIQ JISMLARNING OG‘IRLIK MARKAZI KOORDINATALARINI ANIQLASH USULLARI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2024. – Т. 3. – №. 30. – С. 143-146.

31. Quychiyev O. R. et al. ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЙЎНАЛИШИДА ВИРТУАЛ ТУШУНЧА //FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES. – 2024. – Т. 2. – №. 25. – С. 225-229.

32. Narbekov N. N., Nizomov S., Burxonov R. R. Darslarda ma’naviy-axloqiy tarbiya berish o’quvchilarning jamiyat oldidagi ma’suliyatlarini shakllantirish omili //Научное знание современности. – 2020. – №. 2. – С. 44-47.

33. Narbekov N. N., Parmanov N. N. TEXNIKA OTM LARI TALABALARIDA ILMIY VA TEXNIK IJODKORLIK FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISH METODIKASI //INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 21. – С. 14-19.

34. Nodir N. CALCULATION OF ELEMENTS IN CENTRAL COMPRESSION OF DEFORMABLE STRUCTURES //Universum: технические науки. – 2024. – Т. 4. – №. 1 (118). – С. 23-25.

35. Narmatovich N. N., Nurmuxammadovich P. N. MUHANDISLIK FAOLIYATNING TARKIBIY TUZILMASI //FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES. – 2024. – Т. 3. – №. 26. – С. 6-12.

36. Narmatovich N. N., Nurmuxammadovich P. N. TA’LIM TEXNOLOGIYALARINING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2024. – Т. 2. – №. 18. – С. 8-12.

37. Narmatovich N. N., Nurmuhammadovich P. N. TEXNIKA OLIY TA’LIM MUASSALARI TALABALARINI MUHANDISLIK FAOLIYATGA TAYYORLASHDA

PEDAGOGIK MUAMMOLAR //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2024. – Т. 3. – №. 31. – С. 37-41.

38. Nodir N. APPLICATION OF TENSOR CALCULUS OPERATIONS FOR ELASTIC BODIES //Universum: технические науки. – 2024. – Т. 4. – №. 1 (118). – С. 19-22.

39. Quychiyev O. R. et al. РОЛЬ КУЛЬТИВАТОРОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ //PROSPECTS AND MAIN TRENDS IN MODERN SCIENCE. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 8-12.

40. Raximovich K. O. et al. МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСЛУБ ВА ВОСИТАЛАРИ //INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022. – 2024. – Т. 3. – №. 25. – С. 8-13.

41. Нарбеков Н. Н., Эргашева Ш. Абдирауфова Маржона Тулкинжановна //PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. – 2024. – Т. 3. – №. 30. – С. 93-98.

42. Нарбеков Н. Н., Парманов Н. Н. ТАЛАБАЛАРДА ЯНГИЛИК ЯРАТА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ //THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH. – 2024. – Т. 2. – №. 22. – С. 73-77.

43. Нарбеков Н. Н., Парманов Н. Н. ИННОВАЦИОН МУҲАНДИСЛИК ФАОЛИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИЛАRI //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – Т. 2. – №. 22. – С. 295-299.

44. Нарбеков Н. Н., Парманов Н. Н. МАШИНА ДЕТАЛЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЬЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ //SUSTAINABILITY OF EDUCATION, SOCIO-ECONOMIC SCIENCE THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 15. – С. 196-200.

45. Нарбеков Н. Н. ИССЛЕДОВАНИЕ СТАТИЧЕСКИ НЕОПРЕДЕЛИМЫХ НАГРУЗКОК НА ПЛАСТИНЫ ОСЕСИММЕТРИЧНЫЕ СОБСТВЕННОЙ ЧАСТОТЕ НА СТАТИЧЕСКИ НАГРУЖЕННЫХ КОЛЬЦЕВЫХ ПЛАСТИНАХ //Экономика и социум. – 2023. – №. 12 (115)-2. – С. 898-901.

46. Нарбеков Н. Н. ИССЛЕДОВАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДА КОНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ДЛЯ РЕШЕНИЯ СТАТИЧЕСКИ НЕОПРЕДЕЛИМЫХ СИСТЕМ СТЕРЖНЕЙ //Экономика и социум. – 2023. – №. 12 (115)-2. – С. 902-905.

47. НАРБЕКОВ Н. Н. МЕТОД ОПРЕДЕЛЕНИЯ КООРДИНАТНОГО ЦЕНТРА ТВЕРДОГО ТЕЛА С ДЛИНОЙ, ПОВЕРХНОСТЬЮ И ОБЪЕМОМ. – ООО" Аэтерна" КОНФЕРЕНЦИЯ: ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В НАУЧНОМ РАЗВИТИИ: НОВЫЕ КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ Иркутск, 25 декабря 2023 года Организаторы: ООО" Аэтерна" БИБЛИОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ: Входит в РИНЦ: на рассмотрении Цитирований в РИНЦ: 0 Входит в ядро РИНЦ: нет Цитирований из ядра РИНЦ: 0 Рецензии: нет данных ТЕМАТИЧЕСКИЕ РУБРИКИ:.